

Course title: Islamic Finance

Lecture 10: Islamic Microfinance

Lecturer: Dr. Shaamirova Surayyo

Кириш

Қашшоқлик инсоният олдига энг жиддий ижтимоий-иқтисодий муаммолардан бири ҳисобланади. Жаҳон банкининг 2025 йилда эълон қилинган маълумотларига кўра, дунё бўйлаб тахминан 692 миллион киши ёки аҳолининг 8,4 фоизи ўта қашшоқлик шароитида яшамоқда. Халқаро қашшоқлик чегараси сифатида кунига 2,15 АҚШ долларидан кам даромад даражаси қабул қилинган. Айниқса, ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг катта қисми расмий молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга эмас.

Қашшоқликнинг асосий сабабларидан бири молиявий инклюзивликнинг паст даражада эканлигидир. Аҳолининг кам даромадли қатламлари кредит, омонат, суғурта ва инвестиция хизматларидан тўлиқ фойдалана олмайди. Натижада уларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ёки ривожлантириш имкониятлари чекланади. Шу нуқтаи назардан микромолиялаштириш қашшоқликни камайтиришнинг муҳим воситаси сифатида қаралади.

Микромолиялаштириш кам даромадли аҳолига кичик миқдордаги молиявий хизматларни тақдим этишга қаратилган механизм ҳисобланади. Бироқ анъанавий микромолиялаштириш тизимида юқори фоиз ставкалари ва қарз юкининг ортиши айрим ҳолатларда аҳолининг молиявий аҳолини янада оғирлаштириши мумкин. Шу сабабли шариат тамойилларига асосланган исломий микромолиялаштириш модели муҳим муқобил молиявий тизим сифатида ривожланмоқда.

Исломий микромолиялаштиришнинг моҳияти

Исломий микромолиялаштириш — бу шариат қоидалари асосида камбағал ва паст даромадли аҳолига кичик миқдордаги молиявий хизматларни тақдим этиш жараёнидир. Ушбу тизимда рибо (фоиз), гарар (ҳаддан ташқари ноаниқлик) ва спекулятив операциялар тақиқланади. Асосий эътибор ижтимоий адолат, рискларни адолатли тақсимлаш ва реал иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлашга қаратилади.

Исломий микромолиялаштиришнинг асосий мақсади фақатгина фойда олиш эмас, балки аҳолининг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш ва ижтимоий

барқарорликни таъминлаш ҳисобланади. Ушбу тизим камбағал аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, ўзини ўзи банд қилиш ва даромад манбаларини яратишга хизмат қилади.

Исломий микромолиялаштиришда молиялаштиришнинг турли шакллари қўлланилади. Қарзга асосланган молиялаштириш усулларига қарзи ҳасан, муробаҳа, ижара ва салам киради. Улушли молиялаштириш эса мудораба ва мушорака каби шерикчиликка асосланган шартномалар орқали амалга оширилади. Ушбу механизмлар қарз олувчининг молиявий юкини енгиллаштиришга ва рискларни адолатли тақсимлашга хизмат қилади.

Исломий микромолия институтларининг тарихи

Исломий микромолиялаштиришнинг тарихи мусулмон жамиятларидаги ижтимоий ёрдам институтларига бориб тақалади. Закот, садақа, вақф ва қарзи ҳасан каби механизмлар тарихан камбағал аҳолини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Замонавий исломий микромолиялаштиришнинг биринчи амалий намунаси 1963 йилда Мисрнинг Мит Ғамр қишлоғида ташкил этилган. Ушбу тажриба шариат тамойилларига асосланган жамғарма ва молиялаштириш тизими сифатида катта қизиқиш уйғотган. Кейинчалик 1970–1980 йилларда мусулмон мамлакатларида исломий банклар ва микромолия институтлари ташкил этилди.

1990-йиллардан бошлаб исломий микромолиялаштириш алоҳида молиявий сектор сифатида ривожлана бошлади. Айниқса Покистон, Бангладеш, Индонезия ва Судан каби мамлакатларда ушбу тизим кенг тарқалди. Бугунги кунда Pokistondagi “Akhwat”, Bangladeshdagi “Islami Bank Bangladesh” ва Индонезиядаги “BMT” институтлари энг йирик исломий микромолия ташкилотлари ҳисобланади.

Жаҳонда исломий микромолиялаштиришнинг ривожланиш тенденциялари

Ҳозирги вақтда исломий молия индустриясининг умумий ҳажми 2024 йил ҳолатига кўра 4,9 триллион АҚШ долларидан ошган. Шу билан бирга, исломий микромолиялаштиришнинг улуши ҳозирча умумий ислом молияси индустриясининг тахминан 1 фоизини ташкил қилади.

Islamic Development Bank Institute маълумотларига кўра, дунё бўйлаб 500 дан ортиқ исломий микромолия институтлари мавжуд бўлиб, улар 46 дан зиёд мамлакатларда фаолият юритади. Ушбу институтлар миллионлаб аҳолига молиявий хизматлар кўрсатмоқда.

Исломий микромолиялаштиришнинг йирик бозорлари қаторига Покистон, Бангладеш, Индонезия, Судан, Яман ва Нигерия киради. Масалан, Pokistondagi “Akhuwat” ташкилоти 2001 йилдан буён 5 миллиондан ортиқ инсонга фойсиз микромолия хизматларини тақдим этган. Ушбу ташкилот томонидан ажратилган молиялаштириш ҳажми 1 миллиард АҚШ долларида ошган.

Бангладешдаги “Rural Development Scheme (RDS)” дастури эса 1,5 миллиондан зиёд аъзоларга хизмат кўрсатади. Ушбу дастурнинг асосий қисми аёл тадбиркорларга тўғри келади. Индонезияда эса 6000 дан ортиқ BMT (Baitul Maal wat Tamwil) институтлари фаолият юритмоқда ва улар миллионлаб мижозларга хизмат кўрсатмоқда.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, мусулмон аҳолининг тахминан 72 фоизи диний сабабларга кўра анъанавий молиявий хизматлардан фойдаланмасликка ҳаракат қилади. Бу эса исломий молиявий хизматларга бўлган талабнинг юқори эканлигини кўрсатади.

Исломий микромолиялаштиришнинг афзалликлари

Исломий микромолиялаштиришнинг асосий афзалликларидан бири унинг ижтимоий адолатга асосланганлигидир. Ушбу тизим камбағал аҳолини молиявий қўллаб-қувватлаш билан бирга уларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Рибо тақиқланганлиги сабабли қарз олувчилар ортиқча молиявий босимга дуч келмайди. Агар молиялаштирилаётган лойиҳа зарар кўрса, рисклар томонлар ўртасида тақсимланади. Бу эса қарздорлик юкининг ошиб кетишининг олдини олади.

Шунингдек, исломий микромолиялаштириш аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш, тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратишга хизмат қилади. Айниқса аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда ушбу тизим муҳим аҳамиятга эга.

Исломий микромолиялаштиришнинг асосий муаммолари

Соҳанинг жадал ривожланишига қарамасдан, айрим муаммолар ҳам мавжуд. Биринчи навбатда, шариат бўйича малакали мутахассислар етишмаслиги муҳим муаммо ҳисобланади. Исломий молия маҳсулотларини тўғри ишлаб чиқиш ва назорат қилиш учун юқори малакали кадрлар талаб этилади.

Иккинчи муаммо — ҳуқуқий ва регулятив базанинг етарли даражада ривожланмаганлигидир. Айрим мамлакатларда исломий микромолиялаштириш учун алоҳида ҳуқуқий база мавжуд эмас.

Шунингдек, юқори операцион харажатлар, технологиялардан чекланган фойдаланиш ва молиявий ресурсларнинг камлиги ҳам соҳанинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Қишлоқ ҳудудларида рақамли инфратузилманинг ривожланмаганлиги эса молиявий хизматларнинг оммалашувини чекламоқда.

Ўзбекистонда исломий микромолиялаштиришнинг ривожланиши

Ўзбекистонда ҳам исломий молия хизматларига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Мамлакат аҳолисининг асосий қисми мусулмонлардан иборат бўлганлиги сабабли шариатга мувофиқ молиявий хизматларга талаб юқори ҳисобланади.

2024 йил 19 июлда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан микромолия ташкилотлари учун исломий молиявий хизматларни кўрсатиш бўйича низом қабул қилинди. Ушбу ҳужжат исломий микромолиялаштириш хизматларини ҳуқуқий тартибга солишда муҳим қадам бўлди.

Ҳозирги вақтда мамлакатда исломий микромолиялаштиришни ривожлантириш учун ҳуқуқий база, шариат кенгашлари, молиявий саводхонлик ва рақамли инфратузилмани ривожлантириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, исломий микромолиялаштириш қашшоқликни камайтириш ва молиявий инклюзивликни таъминлашда муҳим восита ҳисобланади. Ушбу тизим шариат тамойилларига асосланган ҳолда аҳолининг кам даромадли қатламларини молиявий қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, исломий микромолиялаштириш тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини оширишда самарали механизм ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам ушбу соҳани ривожлантириш учун ҳуқуқий ва институционал асослар босқичма-босқич шакллантирилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

Accounting and Auditing Organization for Islamic Financial Institutions (AAOIFI). (2015). *Shari'ah Standards*. Bahrain: AAOIFI.

Islamic Financial Services Board (IFSB). (2024). *Islamic Financial Services Industry Stability Report 2024*. Kuala Lumpur: IFSB.

Islamic Development Bank Institute (IsDBI). (2023). *Islamic Microfinance and Financial Inclusion Report*. Jeddah: IsDBI.

World Bank. (2025). *World Development Indicators: Poverty and Equity Data*. Washington, DC: World Bank. <https://www.worldbank.org>

Karim, N., Tarazi, M., & Reille, X. (2008). *Islamic Microfinance: An Emerging Market Niche*. CGAP Focus Note.

Rahman, A. R. A. (2010). *Islamic microfinance: An ethical alternative to poverty alleviation*. *Humanomics*, 26(4), 284–295.

Obaidullah, M., & Khan, T. (2008). *Islamic Microfinance Development: Challenges and Initiatives*. Islamic Research and Training Institute.

Akhuwat Foundation. (2024). *Akhuwat Islamic Microfinance Model*. <https://www.akhuwat.org.pk>

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2024). *Микромоллия ташкилотлари томонидан исломий молиявий хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом*. Тошкент: Марказий банк.